

**Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматларини ривожлантириш
бўйича айрим мулоҳазалар**

Матлуба Ахмедовна АМИНЖОНОВА

Профессор

юримдик фанлар доктори

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни

муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Matlubaaminjonova52gmail.com

Matluba0777@icloud.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида суғурта хизмати кўрсатиш фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, суғурта бозори ривожланган далаатларда суғурталанадиган манфаатлар турларини кенгайтиришга, ноананавий турдаги фавқулодда ҳолатлардан суғурталашга алоҳида этибор қаратиш таклифи илгари сурилган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғуртани ҳукуқий тартибга солиш, суғурта полиси.

Некоторые вопросы развития страховых услуг в Республике Узбекистан

Матлуба Ахмедовна АМИНЖОНОВА

Профессор

Доктор юридических наук

Правоохранительная академия Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Matlubaaminjonova5gmail.com

Matluba0777@icloud.com

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты страховых услуг в Республике Узбекистан, виды застрахованных интересов в странах с развитым страховым рынком, акцентируя внимание на страховании от необычных чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: страхование, правовое регулирование страхования, страховой полис.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси миллий суғурта бозорида сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда 30 дан ортиқ суғурта компаниялари қайд этилган бўлиб, улардан 24 таси умумий суғурталашга, 6 таси ҳаётни суғурталашга ва биттаси қайта суғурталашга ихтисослашган ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

Халқаро суғурта бозорига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ривожланиши миллий суғурта бозори ривожига билан боғлиқ бўлиб, дунёдаги мамлакатлар суғурта тизимини ривожлантиришда ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

Тараққий этган мамлакатларда суғурта компаниялари асосан 3 турдаги суғурталашни, яъни бенефитлар (ҳаёт ва соғлиқ, тиббий, пенсия, омонат суғуртаси ва ҳоказо), тижорат (суғуртанинг бошқа турлари) ва шахсий мол-мулкни суғурта қилиш (иморатларни, автомобилларни ҳамда фуқароларнинг бошқа мол-мулкни суғурта қилиш)ни амалга оширадилар.

Дунё мамлакатларида суғурта фаолиятининг суръати суғурта мукофоти миқдори билан баҳоланади. Масалан, кўрсаткич бўйича энг лидер давлат АҚШ давлати ҳисобланиб, у 1,35 триллион суғурта мукофотига эга бўлган. Японияда бу кўрсаткич 471 миллиардни, Хитойда 466 миллиардни ташкил этган.

Суғурта бозори ривожланган далаатларда суғурталанадиган манфаатлар турларини кенгайтиришга, ноананавий турдаги фавқулодда ҳолатлардан суғурталашга алоҳида этибор қаратилаётганлигини кузатиш мумкин. Чунки, бу фуқароларнинг суғурта хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Масалан, К.Асоян томонидан 5 та турдаги ноананавий суғурта хизматлари таклиф этилган. Яъни, К.Асояннинг фикрига кўра фуқароларга киберсуғурта хизмати турини таклиф этиш уларнинг суғурта хизматига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Яни, суғурта хизматининг ушбу турига нисбатан бугунги кунда фуқароларда эҳтиёж жуда катта. Чунки, дунёда ҳар 4,5 секундда компьютер технологияларини турли вируслардан зарарланиши шу суғурта ҳодисасини келтириб чиқараётганлигини ва бу турдаги суғурта хизматини жорий этишни тақозо этилаётганлигини қайд этади [3; 4]. Албатта, бундай суғурта хизматини жорий этиш орқали фуқароларнинг компьютерига турли вирусларни кириб келиши оқибатида сарфалниши лозим бўлган тўловларни суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилиши фуқароларни бундай ҳолатларда молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Кибер суғурта хизматини жорий этиш бўйича ҳам бугунги кунда таъкидлаганимиздек, АҚШ давлати лидер давлатлардан бири ҳисобланади. Чунки, ушбу суғурта

хизмати тури бўйича 2008 йилнинг ўзида “Willis Tomwers Watson” суғурта брокери томонидан 60 миллион \$ тўланганлиги аниқланган [13; 4].

Худди шу каби К.Асоян томонидан қимматли техникаларни ва турли компьютер уйинлари, шунингдек, автоматик равишда бошқариладиган автомашиналарни автопилот ҳолатидан суғурталаш ва дронлар хизмати натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар бўйича суғурталаш каби таклифларни илгари сурган.

Биз ҳам мамлакатимизда, суғурта бозорини шакллантириш ҳамда кенгайтириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар каторида, энг аввало, суғурта хизмати шакллари кескин кенгайтириш ва аҳоли учун ноанъанавий бўлган (тиббий суғурта, ишсизлик суғуртаси, пенсия суғуртаси ва хоказо) суғурта хизматларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Айниқса, бугунги кунда сайёҳлик, туризм фаолияти ривожланаётган бир вақтда туризм фаолиятини мажбурий суғурталашни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунининг 38-моддасига кўра, туристлар ва экскурсантларни суғурта қилиш ихтиёрийдир, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно ҳамда туристлар ва экскурсантлар томонидан бундай фаолиятни олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Туроператорлар ва турагентлар туристик маҳсулотнинг хусусияти ҳамда шаклига қараб туристлар ва экскурсантларда суғурта полиси мавжуд бўлиши тўғрисида талаб белгилаш ҳуқуқига эга.

Туроператорлар ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт [21; 5].

Суғуртанинг бу тури сайёҳлар учун ҳам сайёҳлик ташкилотлари учун ҳам қулай ҳисобланади. Франция, Германия ва шу каби бир қатор суғурта фаолияти ривожланган давлатларда сайёҳлик ташкилотларининг сайёҳлар олдидаги жавобгарлиги мажбурий суғурталанади [17; 8].

Суғурта бозорига суғурта қилдирувчиларни (мижозларни) кенгроқ жалб этиш, суғурта хизмати ҳар қандай молиявий инқирозларни бартараф этишда фойдали эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдириш, суғурта хизмати кўрсатиш аҳамиятини оширишнинг асосий йўлларида саналади.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев суғурта соҳасидаги муаммоларга эътибор қаратиб, бу соҳани сусткашлик билан ривожланаётганлигига танқидий муносабат билдириб, “Соҳага назоратчи эмас, илғор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак”лигини таъкидлайди.

Шу боис Ўзбекистон Республикасида суғурта назорати давлат инспекцияси тугатилиб, суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини ташкил этиш таклиф қилинди. Мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди [2; 3].

Юқоридагиларга кўра, Республикамизда суғурта хизмати кўрсатиш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини жорий этиш, самарали фаолият юритадиган суғурта бозорини вужудга келтириш, суғурталанувчиларнинг ва суғурталовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жавобгарликларини қонун нормаларида қатъий белгилаб қўйиш ва суғурта қилдирувчиларга олдиндан маълумот бериб бориш амалиётини вужудга келтириш вазифалари амалга оширилди. Лекин, шундай бўлсада, ҳали суғурта хизмати кўрсатиш соҳасида бир қатор ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка сингдириш вазифалари олдимизда турибди.

Масалан, Россияда суғурта компаниялари томонидан интернет орқали юридик маслаҳатлар тақдим этиш, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот бериб бориш оммавийлашган [12; 1].

Фикримизча, суғурта бозорини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги омилларига ҳам эътибор қаратиш лозим:

- суғурта хизмати кўрсатиш фаолиятининг мамлакат ҳаётида ва ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб, умумтаълим мактабларида суғурта тўғрисида, унинг иқтисодий аҳамияти, ҳуқуқий асослари ҳақида умумий билимлар бериб бориш, махсус ўқув юртларида эса, суғуртага оид қисқа ўқув курсларини жорий этиш лозим;

- суғурта бозорининг ривожланиши, суғурталовчи компанияларнинг жадал фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ ва улар сонининг кўп бўлиши, суғурта бозорида рақобатни кучайтиришга, айти пайтда суғурта хизмати кўрсатиш турларининг кўпайишига ва сифат жиҳатидан яхшиланишига хизмат қилади;

- суғурта компаниялари томонидан суғурта идораларини марказлашган асосда бошқариш, яъни суғурта хизматини филиаллар орқали амалга оширишда жойларда, уларнинг мустақиллигини таъминлашга катта эътибор қаратиш зарур. Бунда, ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича суғурта товонини тўлашни мустақил белгилаш ҳуқуқини филиалларга бериш ва уларга ташаббускорлик кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий мустақиллигини таъминлаш керак.

Маълумотларга қараганда, ривожланган мамлакатларда, суғурта идораларининг асосий миқдори бўлиб, мамлакатнинг фуқаролари ҳисобланади. Суғурта хизматининг жаҳон тажрибасига кўра, махсус суғурта ташкилотларининг фаолиятида, ҳаётни суғурта қилиш салмоқли ўрин эгалайди. Бунда, фуқаролар бевосита иккинчи томон бўлиб иштирок этади. Ҳар суғурта бозорида ҳаёт суғуртасининг бадаллари йиғиндиси алоҳида ўринга эга бўлиб, мазкур хизмат турининг ривожланган давлатлардаги ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаролар ҳаётига кириб борганлигини кўрсатади [7; 2].

Республикамизда эса, аҳоли, кўпроқ ишсизлик ва бошқа сабаблар туфайли ёки шартнома асосида ўқиётган талабаларда, шартнома суммасини

тўлашга имконияти бўлмай қолганида ёхуд даволаниш ва бошқа ҳаражатларни тўлаш каби молиявий муҳтожликларда, суғурта хизматларига бўлган объектив талаб яққол намоён бўлади.

Бу эса, жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий муҳтожликка учраш тасодифларини ўрганишни тақозо қилади. Қандай ҳодисалар ва шароитларда фуқаролар моддий муҳтожликка учраши ҳамда бу ҳолатлар нималардан иборат эканлигини аниқлаш, ўрганиш ва аҳолини ана шундай ҳолатлардан суғурталаш йўллариини излаб топиш зарур. Масалан, аҳоли ўртасида ишсизлик ҳолати кўпроқ учрайди. Шундай ҳолларда, аҳолини суғурта ҳимоясига олиш мақсадида, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг алоҳида моддасида “фуқаролар ўзларини ишсизликдан ҳимоялаш мақсадида суғурта шартномаси тузиш ҳуқуқига эга”- деган мазмунда қоида киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, фуқаролар ишсиз бўлиб қолганларида, “ишсиз”-деб эътироф этилишининг ўзи, суғурта ҳодисаси ҳисобланиб, олдиндан тузилган шахсий суғурта шартномасига кўра, ишсизлик муддати давомида, суғурта товонининг тўланиши ҳамда моддий эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин. Бундай амалиёт, Россия Федерациясининг “Аҳолининг бандлиги тўғрисидаги” қонуни 40-моддасида фуқароларнинг шундай суғурта шартномасини тузишга бўлган ҳуқуқи белгилаб берилган [19; 90].

Ҳар қандай фаолиятни ривожлантиришда ўша фаолиятнинг сифатини оширишга эътибор қаратилади. Сифат эса албатта, ўша фаолият бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишига боғлиқ. Яъни, суғурта шартномаси тарафларининг мажбуриятлари ижросини таъминлаш шу фаолиятга бўлган эҳтиёжнинг ошишига хизмат қилади.

Суғурта шартномасида мажбуриятлар ва уларда иштирок этувчи тарафлар тушунчалари ҳақида сўз юритишдан аввал албатта, суғуртанинг моҳиятини ва мақсадини илмий тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Суғуртанинг моҳиятини илмий шарҳлашга оид бир қатор олимлар ўртасида ҳам турлича баҳс-мунозаралар ўртага ташланади.

Жумладан, В.И.Серебровский суғуртанинг қуйидаги алоҳида жиҳатларини таҳлил этиб, “Суғурта хавф-хатарни камайтириш ва чегаралаш

усули билан инсон ҳаётида ва халқ хўжалиги фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айни чоғда суғурта инсонга маълум бир воқеликнинг содир бўлиши билан боғлиқ суғуртани амалга ошириш орқали (масалан, маълум бир ёшга етиш, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ҳоказо) моддий таъминланиш имконини беради. Суғуртанинг бу моҳияти хўжалик юритувчи субъектлар ва инсонлар учун келгуси ҳаётга ишонч билан қараш туйғусини уйғотади. Шундай экан, суғурта маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, у инсоннинг фаоллигини оширади” [15; 434], деб хулоса қилади.

Албатта, В.И.Серебровскийнинг ушбу фикрлари суғуртанинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Г.Ф.Шершенович суғурта билан келгусида фойдаланиш учун маблағ тўплаш ўртасидаги фарқни очиқ берар экан, у шундай деб ёзади: “кўрилган зарарларни жамғарилган маблағ орқали тиклашда суғуртанинг кўрилган зарарни хўжаликлар ўртасидаги тақсимоли таъминли вужудга келмайди” [20; 357]. Г.Ф.Шершеновичнинг фикрига тўла қўшилиш мумкин. Чунки, суғуртани кўрилган зарарларнинг ўртада тақсимланиши жиҳатидан ўзини ўзи суғурталаш, яъни жамғарма тўплаш орқали ҳимоялаш усули билан тенглаштириб бўлмайди.

Ж.Рўзиев эса: “Суғурта иқтисодий муносабатлар таркибига киради ва махсус маблағ фондини яратиш тадбирларини ўз ичига олади. Ана шу маблағ фондидан эса турли воқеалар рўй берган пайтда, агар бу воқеалар хусусида суғурта шартномасида ўзаро келишиб олинган бўлса, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва зиён кўрган томонга ёрдам бериш мақсадида фойдаланиш лозим бўлади” [14; 151], деган фикрни илгари суради. Суғуртанинг моҳиятини очишда ушбу таърифда суғурта фондини кимлар томонидан ташкил этилишини аниқлаштирган ҳолда қўллаш мумкин.

М.Ходжаева эса: “суғурта – ҳамкорлик ва қайтувчанлик таъминлига асосланган хўжалик фаолияти тури бўлиб, у кутилмаган ҳодиса туфайли келажакда юз берадиган зарурат ва эҳтиёжларни қоплашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди”, деб таъкидлайди [18; 17]. М.Ходжаева ушбу таърифда суғуртанинг қайтувчанлик таъминлини у суғурталанувчи томонидан тўланган

бадалларни келгусида суғурта товони сифатида қайтишини назарда тутати, лекин суғуртанинг моҳиятини таҳлил қилганда, бу бадаллар ҳамма вақт ҳам суғурталанувчига қайтарилмайди. Бундан ташқари, суғурта шартномасида назарда тутилган ҳодиса содир бўлганлиги юзасидан келажакда пайдо бўладиган эҳтиёжларни ҳам қоплайди дейишга асос йўқ. Чунки, суғурта идораси шартномада назарда тутилган ҳодиса содир бўлганда бир марта суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади. Бу таъриф эса суғурта ҳодисаси содир бўлганидан кейин ҳам шартноманинг давом этишини назарда тутати.

Суғуртанинг мазкур моҳияти бўйича юритилган илмий-назарий ғояларни таҳлил этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-бобида “суғурта” сўзининг тушунчаси ифода этилмаганлигини инобатга олиб суғуртанинг моҳияти турлича талқин этилаётганлиги тадқиқ этилиб, “суғурта” нинг моҳиятини белгилаб берувчи таърифини ФКнинг 52-бобига киритиш ҳақида хулоса қилинди. Суғурта таърифи қуйидаги мазмундаги “Суғурта – юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган бадаллар ҳисобига шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан шу шахсларга суғурта шартномасида белгиланган ҳолат, воқеа, ҳодиса ва табиий офатлар содир бўлиши натижасида етказилган зарар ҳамда талафотларни қисман ёки тўлиқ миқдорда қоплаш йўли билан ҳимоялаш демакдир”-деган мазмунда белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва суғурта фаолиятини тартибга солишга доир бошқа қонунлар хизмат қилмоқда.

Суғурта фаолиятини тартибга солишга доир қонунлар босқичма-босқич такомиллашиб боришига қарамай, тадқиқот натижасига кўра ҳали бу соҳада бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш эҳтиёжи мавжудлигини билдирмоқда.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг суғурталовчилар ҳуқуқлари белгиланган 6-моддаси биринчи қисми суғурталовчилар қимматли қўғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни тегишли

лицензиясиз амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутувчи бешинчи хатбоши билан тўлдирилди. Агар хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, Буюк Британия, Франция, Япония, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси қонун ҳужжатларида ҳам суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини кузатишимиз мумкин [9; 48].

Суғурта фаолиятини тартибга солишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Ушбу Низом суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолияти хусусиятларини белгилаб беради [11; 106].

Ушбу Низом актуар, аджастер, сюрвейер, ассистанс, суғурта агентлари каби суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари ҳуқуқларини белгилаш билан бир қаторда уларнинг мажбуриятларини ҳам белгилаб беради.

Бугунги суғурта муносабатларини тартибга солишга қонунларнинг хилма-хиллиги ва жуда кўплиги жиҳатидан бу норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ягона қилиб жамлашни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан республикамизда суғурта қонунчилигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ягона суғурта кодексини яратиш лозим. Бу кодекс умумий ва махсус қисмлардан иборат тузилиб, яъни суғурта компанияларини ташкил қилишга оид қоидалардан тортиб, токи суғурта тушунчаси, манбалари, субъекти, объекти, қайта суғурта қилиш тартиби, суғурта турлари, уларни амалга ошириш тартиби, суғурта шартномалари билан боғлиқ жавобгарликлар, суғурта шартномалари ва ҳалқаро суғурта шартномаларига оид низоларни ҳал қилиш тартиби, суғурта фаолиятининг профессионал иштирокчилари, уларнинг мажбуриятлари, жавобгарликлари ва бошқа суғуртага оид қатор қоидаларни мужассамлаштирган ҳолда тузилиб, амалиётга тадбиқ этилса, республикамизда суғурта соҳасини тартибга солишдаги энг олий қадам бўлиб ҳисобланади. Суғурта кодексини яратишга эҳтиёж шундан сезилиб турибдики, суғурта

шартномасига оид баъзи нормалар Қонунда ва Фуқаролик кодексида назарда тутилмаганлиги сабабли, уларни шу Кодексида жамлашга эришилади. Ана шундай Кодексида ҳам, Қонунда ҳам назарда тутилмаган тушунчалардан бири юқорида айтиб ўтилганидек, суғурта шартномаси тушунчасидир. Ҳ.Собиров юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунда шартнома тузиш ва унинг хусусиятлари четда қолдирилганлиги, суғурта компаниялари ўз фаолиятларини шартнома асосида амалга оширишларини ҳисобга олган ҳолда суғурта шартномасини алоҳида моддада ёритиш, экология хавф-хатарини мажбурий суғурталаш таклифини билдириб, у келгусида “Суғурта кодекси”ни яратиш учун асос бўлиши ҳақидаги фикрни билдиради [16; 2].

М.М.Нурматов эса экологик суғуртани атрофлича тартибга солувчи, ихтиёрий ва мажбурий экологик суғуртани амалга ошириш тартибини ва аниқ механизмини белгилаб берувчи “Экологик суғурта тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш таклифини илгари сурган [9; 32]. К.Тўхтаев эса экологик суғурта қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, унинг мақсад ва вазифаларини, молиявий таъминланиш механизмларини очиб берувчи “Экологик суғурта тўғрисида”ги яхлит қонун лойиҳасини қабул қилишни таклиф этади [17;17].

Ҳ.Собиров [16;2), М.Аминжонова [5;14]. Н.Абдуллаева [4; 10]. Д.Махмудов [8; 8]лар ҳам Республикада “Суғурта кодекси”ни яратиш лозимлиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Айрим ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда суғурта хизмати кўрсатиш фаолияти махсус суғурта кодекси билан тартибга солинади ва бу амалиётда ўз самарасини бермоқда [6; 58].

Юқоридагиларга кўра хулоса қилиш мумкинки, “Суғурта кодекси”ни қабул қилиш лозим. Шунда амалдаги қонунчилик нормаларини тизимли жамлаш, эҳтиёж сезилаётган янги нормаларни белгилаш ва қўллаб қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконияти вужудга келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги янги таҳрирдаги Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
2. Мирзиёев Ш.М. Суғурта бозорини ривожлантириш масалалари. 10.07.2019 йил 10 июлдаги йиғилиш материаллари. <http://uza.uz/uz/politics/>.
3. Асоян К. 5 необычных страховых услуг, которые могут стать популярными. <https://rb.ru> 30.03.2017.
4. Абдуллаева Н.Г. Страхование право. Университет мировой экономики и дипломатии. – Ташкент, 2006. Б.10.
5. Аминжонова М.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари: юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2004.
6. Благутин Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий //Страхование дело, 2002. – №10. – С.58.
7. Каримов Ҳ. Ҳаётингизни суғурта қилдирганмисиз? / Халқ сўзи, 2002 йил 12 апрель.
8. Махмудов Д.Р. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш: юридик фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДЮИ, 2018.
9. Набиев Т. Суғурта фаолияти такомиллашмоқда // Ҳуқуқ ва бурч, 2009. – №2. – Б. 48.
10. Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш: юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.
11. Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил.
12. Онлайн-консультация. Портал страхового брокера «ДЕДАЛ» России. (электронный ресурс) Режим доступа http://www-dedal.ua/conculation_rth.
13. Портал страхового брокера «ДЕДАЛ» России. (электронный ресурс) Режим доступа http://www-dedal.ua/conculation_rth. С.1

14. Рўзиев Ж. АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар. – Тошкент: Фан, 1991. – 151 б.
15. Серебровский В.И. Избранные труды по наследственному и страховому праву. – Москва: Статут, 1999.
16. Собиров Х. Суғурта- иқтисодий фаолият /Халқ сўзи, 2002 йил 8 феврал.
17. Тўхтаев К. Экологик суғуртанинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштиришнинг айрим масалалари. // Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2013. – № 12.
18. Тўлаганова Ш. Туризм фаолияти: у билан боғлиқ хавф ва суғурта масалалари // Ҳуқуқ ва бурч, 2016. – № 10.
19. Ходжаева М. Суғурта фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўли: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2003.
20. Фогельсон Ю. Регулирование страхования в нормах нового Гражданского кодекса // Хозяйства и право, 1996. – №11. – С.90.
21. Шершеневич Г.Ф. Курс торгового права. Т.11. – Москва, 1983.